



Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКISTON ALOQA VA AXBOROTLASHIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqib boshlagan

2004-yil, 23-iyul, 30 (619)-son

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

✓ Матбуотда "Шохи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

✓ 16 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 февралдаги мажлисида Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилишига бағишланган мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

✓ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори матбуотда босилди.

✓ Ўзбекистон Бадий академиясининг Халқаро маданият қарвон саройида Эрон кулчилик санъати кўргазмаси очилди. Кўргазмада Эрон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги Факултетида ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатҳали иштирок этди.

✓ Тошкентда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидаги имкониятлар ва муаммоларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида кенг жамоатчилик ахборот билан таъминлаш борасида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

МАҚСАД — ПОЧТА ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўтган ҳафтанинг 15-16 июл кунлари "Фарғона почтаси" АЖда почта хавфсизлиги бўйича республика семинари бўлиб ўтди. Семинарни "Ўзбекистон почтаси" давлат акциядорлик компаниясининг почта хавфсизлиги хизмати бошлиғи Ю.Мухчи кириш сўзи билан очди. Сўнгра Фарғона вилоят ҳокимлиги вакили М.Ҳақиқов ва "Фарғона почтаси" АЖ директори С.Юнусовлар сўзга чиқишиб, анжуман иши-га муваффақиятлар тилашди.

Шундан сўнг Ю.Мухчининг "Республикада почта хавфсизлиги хизматининг аҳоли, муаммолар ва вазифалар" мавзусидаги маърузаси тингланди. Маърузачи "Ўзбекистон почтаси" ДАҚда почта хавфсизлиги хизмати ташкил этилганлигининг асосий омиллари ва шарт-шароитлари, почта алоқаси объектларининг хавфсизлиги, барқарор хизмат кўрсатишга, яъни почта жўнатмаларида тақиқланган қурул-яроғ, портловчи моддалар, бактериологик, радиоактив, захарловчи ва бошқа моддаларнинг мавжудлигини аниқлаш ҳамда тарқалишининг олдини олиш мақсадида амал-

га оширилган тадбирларга тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, почта қоидалари, Бутунжаҳон Почта Иттифоқи конвенцияси талабларига риоя қилмаслик натижасида почта жўнатмалари ичидаги нарсаларнинг шикастланиши, бузилиши, жўнатма ва пенсия маблағларининг йўқолиши ва қамомати юзга келмоқда, шу боис синчковлик билан текширувлар ўтказилмоқда. Ўтган уч йил мобайнида почта алоқаси хавфсизлигини таъминлаш борасида Давлат бошқаруви, ҳукумат органлари билан ҳамкорликда иш олиб борилди.

Терроризмга қарши курашга кўмакла-

шиш дастури доирасида Ўзбекистон ҳукумати билан АҚШ Давлат департаменти томонидан ўтказилган ўқув курсида барча почта хизмати хавфсизлиги инспекторлари ўқитилди. Шу мавзуда барча акциядорлик жамиятларида почта жўнатмаларига ишлов бериш жараёнига алоқадор ходимлар учун семинарлар ўтказилди. Шунингдек, Ички ишлар ва факултетида вазиятлар бошқармалари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат санитар-эпидемиологик назорат марказлари билан ҳамжиҳатликда қатор тадбирлар уюштирилди. Барча вилоятларда, жумладан, "Фарғона почтаси" АЖда ҳам "Жўнатмаларда номаълум кукунсифат моддалар аниқланганда ходимлар ва раҳбарларнинг ҳаракатлари" мавзусида қўшма-тактик машғулотлар олиб борилди.

(Давоми 2-бетда.)

Ёшларни соғлом, ақлли, комил инсонлар қилиб тарбиялаш доим муҳим вазифалардан ҳисобланиб келган. "Ўзбектелеком" АҚнинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалига қарашли Т.Тўхтаев номидаги "Алоқачи" оромгоҳи ходимлари ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида тинимсиз иш олиб боришаётир. Мазкур оромгоҳ 1962 йили ташкил этилган бўлиб, Тошкент вилоятининг "Сойлик" қишлоғи яқинидаги тоғ ён бағрида жойлашган. Унинг ҳудуди 10-12 гектардан иборат.

ТОҒ БАҒРИДАГИ ОРОМҒОҲ

Оромгоҳнинг гузал табиати, мусофаго ҳавоси, сўлим боғлари, минералларга бой булок сувлари бу ерда дам олаётган болаларнинг соғлиғига соғлиқ, қувватига қувват қўшмоқда. Ушбу масканда ёшларнинг навбатма-навбат уч мавсумда дам олишлари ташкил этилган. Унда ҳар йили мингдан ортик ўқувчи-ёшлар хордиқ чиқармоқда. Уларнинг мароқли ва сермазмун дам олишлари учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. Албатта, бу ишларни амалга оширишда "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори С.Аъзамов ва филиал касаба уюшмаси қўмитасининг ташаббуси катта бўлди.

Этиборли томони шундаки, таълим-тарбия ишларини талаб даражасида олиб бориш учун нафақат педагогика билим юрти талабалари ва ўрта мактаб

ўқитувчилари, балки олий ўқув юрти ўқитувчилари ҳам танлов асосида ишга қабул қилинган.

Оромгоҳда дам олувчиларнинг жисмонан бақувват бўлишларига алоҳида эътибор берилди. Бунинг учун эса барча шарт-шароитлар, жумладан, машқ зали, катта ва кичик сув ҳавзаси, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари мавжуд. Яқинда ўтказилган оромгоҳ спартакиадаси шохмат бўйича жаҳон чемпиони Р.Қосимжонов ғалабаси шарафига бағишланди. Спартакиада ғолибларига эса мақтов ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, оромгоҳда "Маънавият ва маърифат" хонаси, кутубхона ҳам бор. Бу ерда "Диний ақида-парастлик, гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш" каби мавзуларда суҳбат-тренинглари ўтказиб турилибди.



Болалар "Моҳир қўллар", "Ёшлар оромгоҳи", "Музыка", "Ёш алоқачи" тўғрақлари раҳбарлари профессор Р.Хасанов, Т.Амреева, А.Шалафееваларнинг сабоқларини олишмоқда. Тўғрақ ишларининг танловини ҳам ўтказиш аъёнага айланган. Масалан, яқинда бўлиб ўтган расмлар танловида "Ўзбекистон — гузал диёр", "Оромгоҳим — энг яхши масканим", "Экологияни сақланг!", "Гиёҳвандлик — ёмон иллат", "Моҳир қўллар" тўғрақининг "Тоғ гуллари", "Табият инъоми" сингари ишлари ғолиб деб топилди.

— Оромгоҳда шифокор Марина Ким раҳбарлигида "Фитобар" ташкил этганимиз, — дейди оромгоҳ раҳбари Абдусалом Навиев. — Болалар бу ерда дори-вор гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни ичиб, соғлиқла-

рини мустаҳкамлашлари мумкин. Болаларга тасдиқланган таомна асосида олти маҳал иссиқ овқат берилади. Ошхона фаолияти доимо шифокор назоратидадир.

"Алоқачи" оромгоҳида айни дамда хоразмлик алоқачиларнинг фарзандлари ҳам хордиқ чиқаришмоқда. Бу ерда шаҳар телефон тармоқларига уланган телефон ишлаб турибди. У орқали дам олувчилар ота-оналари билан боғланиб бемалол гаплашишлари, ўз навбатида, ота-оналар ҳам ушбу беминнат дастур ёрдамида фарзандлари аҳолидан хабардор бўлишлари мумкин.

Бир сўз билан айтганда, "Алоқачи" оромгоҳида болалар мазза қилиб хордиқ чиқаришмоқда.

Ш.ИСМОИЛОВ
Тошкент вилояти

YOZ O'TMOQDA SOZ

МАҚСАД — ПОЧТА ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Аммо, шунга қарамай, почта хавфсизлиги хизмати ҳали такомиллашганича йўқ. Ушбу хизмат сифатини оширишга шошиллаётган раҳбарлар ҳам топилди. Айрим почта алоқаси корхоналарида назорат ўтказиш тартиби бузилмоқда, почта хавфсизлигига оид меъёрий ҳужжатлар яхши ўрганилмаётгани ҳам бор гап. Жўнатмалар ва пул маблағларини ташвишда фойдаланилаётган транспорт воситалари талаб даражасида жиҳозланмаётгани каби муаммолар ҳам мавжуд.

Маърузада бу муаммоларни ҳал этиш бўйича компания томонидан режалаштирилган бир қатор ишлар хусусида ҳам маълумот берилди.

Шундан кейин компания-

нинг почта хавфсизлиги бўлими бошлиғи И.Маликовнинг "Жинойятчиликнинг олдини олишнинг асосий тамойиллари", "Фарғона почтаси" АЖ почта хавфсизлиги хизмати бўлим инспектори Б.Каримовнинг "Фарғона почтаси" АЖ "Фарғона почтаси" АЖ мутахассиси Т.Калашникованин "Ўзбекистон почтаси" ДАКнинг "Бутунжаҳон Почта Иттифоқи билан алоқалари", "Фарғона почтаси" АЖ мутахассиси Т.Французованин "Шаҳар ва туманлардаги почта бўлиmlариди пенсия ҳамда нафақаларни тўлаш

технологиялари назорати на-тижалари", "Халқаро почтамт" АЖ директори ўринбосари Ш.Розиқовнинг "Халқаро почтамт"да технология жараён устидан видеоназорат ҳамда почта алоқаси объектига кириш устидан назорат, фавқулодда вазиятлар бўйича ўқув машғулоти" каби маърузалари тинланди.

Семинарнинг иккинчи кунини иштирокчилар вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими Д.Отмиразоёв, вилоят Ўчки ишлар бошқармаси ходими Р.Амирдинов, "Хоразм почтаси" АЖ бўлим инспектори М.Ҳожибоев, Фарғона вилояти Миллий хавфсизлик бошқармаси ходими У.Муҳаммадиев, "Наманган почтаси" АЖ бўлим инспектори Т.Ҳасановларнинг почта хавф-

сизлиги борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маърузаларини эшитишди. Шу кунини семинар иштирокчилари Риштон ва Учкўприк туманлари почта алоқа тармоқларида почта хавфсизлиги ҳамда почта жўнатмалари сақланишини таъминлаш борасидаги ишларнинг ташкил этилиши билан танишди.

Уларга "Халқаро почтамт" АЖ ҳамда АКШда почта хавфсизлиги бўйича амалга оширилаётган ишлар ва янгиликлар ҳақидаги видеолар ҳам намойиш этилди.

Семинарда Ю.Мухчи яқун ясаб, анжуман ўз олдига қўйган вазифани бажарганини эътироф этди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
жамоатчи мухбиримиз

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Яккабоғ туманида аҳолига қўрсатилаётган алоқа хизмати сифатини янада яхшилаш, ми-жозларга қулайлик яратиш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, туман алоқа тармоқларида "Алкател" фирмасининг электрон станциясини ўрнатиш ишлари қизғин оlib борилаётди.

Шаҳар аҳолисини сифатли алоқа хизматидан баҳраманд этиш мақсадида боғлама муҳандислари тумандаги 2-АТСни ян-гиси билан алмаштиришди. Ушбу замонавий 1000 рақамли стан-ция учун алоқада бино қурилди.

Шу тарихда Яккабоғ шаҳрида истиқомат қилувчи аҳоли ра-қамли электрон телефон стан-циясига эга бўлишди.

— Янги АТСнинг ишга туши-ши учун филиал раҳбариятидан тортиб олдий ходимгача бир-дай ҳаракат қилди, — дейди Яккабоғ телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи М.Ража-бов. — Туманда жами 6 минг нуқтали телефон станцияси мавжуд бўлиб, 2003 йил бо-шида 2500 рақамли станция фойдаланишга топширилган эди. Жорий йилда эса муста-қиллик байрамининг 13 йилли-гига тўхфа сифатида яна 1000 рақамли станция ишга туш-гандан ўзимиз ҳам қувондик.

Яккабоғлик алоқачилар ҳозирда эски ускуналарни ян-гилари билан алмаштириш, узоқ кишлоқлардаги аҳолига намунали хизмат қўрсатиш иш-ларини давом эттиришмоқда.

Баҳром МУРОДОВ
Қашқадарб вилояти

Кейинги пайтларда Кўшкўприк туманида кўнгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир қиш-лоқда замонавий ихчам АТСлар қуриш ҳамда аҳолига хизмат қўрсати-шни яхшилаш мақсадида сўзла-шув шахобчалари ташкил этишга асосий эътибор қаратилган.

«АҚЛЛИ» КОМПЮТЕР ЗИММАСИДА

Туман телекоммуникация боғламаси 7 минг-дан зиёд миқозда хизмат қўрсатмоқда. Кўшкўприк-да замонавий рақамли АТС ўрнатилганидан буён халққа хизмат қўрсатиш даражаси анча юксалди.

— Илгари координатли АТСда ишлардик, — дей-ди автомат телефон станцияси муҳандиси Олла-берган Раҳимов. — Рақам териш контакти равиш-да амалга оширилди, очиги, контактни тозалаш ва релеларни тез-тез алмаштириш чарчатарди,

умуман олганда, бошимиз таъмирдан чиқмас-ди. Рақамли АТСда эса замонавий кириш-чи-қиш тизими мавжуд бўлиб, ходимларимиз анча осода юрадиган бўлишди.

Дарҳақиқат, координатли АТСни ишчи ҳо-латида ушлаб туриш учун тўрт-беш одам овора бўларди. Носозликларни аниқлаш қийин, қуйиб кетган сақлаш қисмларини қўл билан узиб ал-

маштириш кўп вақтни талаб қиларди.

Рақамли АТСнинг ўзига яраша афзалликла-ри мавжуд. Биринчидан, сўзлашув аниқ ва ти-ник ҳамда мижозлар бир-бири билан рақам тер-гани заҳотиёқ боғланишди. Иккинчидан, зам-онавий АТСни битта оператор ҳам бошқара оли-ши билан бирга уни тузатиш жуда осон, фақат-гина платаси алмаштирилади. Барча амаллар «ақлли» компютер зиммасига юклатилган.



Суратда: Кўшкўприк телекоммуника-циялар боғламаси АТС муҳандиси Олла-берган РАҲИМОВ ва шахарлараро телефон станцияси муҳандиси Шона-зар ҚУРЁЗОВлар.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ
Хоразм вилояти

компютер мониторлари, электрманба жи-ҳозларини таъмирлаш ҳамда эҳтиёт қис-млардан иккиламчи фойдаланиш усул-ларини ҳам ўзлаштирган. Рационализа-тор ва ихтирочи сифатида бир қатор ихтироларига патент олган. Ҳозирда унинг рационализаторлик тақлифларидан

ORAMIZDAGI ODAMLAR

зига жўнатиб тузатириш, барча харажат-ларни қўшиб ҳисоблаганда, қарийб 500 дол-ларга тушар экан. "Сирдарё Телеком" фи-лиали таъмирлаш марказида эса бу иш ўзи-мининг миллий валютада 20 минг сўнга бажарилади. Орадаги фарқни кўриб туриб-сиз. Агар В.Самсонов тузатган платалар Сеулга юборилиб, ҳар бири 500 доллардан таъмирланганида, жуда катта маблаг четга чиқиб кетган бўларди. Бунда вақтдан ҳам ютказилар эди. Биз шу ўринда Валерий Николаевичнинг электрон платаларни таъ-мирлаш бўйича республикамиздаги ягона маҳоратли мутахассис эканлигига эътибор-ни қаратмоқчимиз. Бунини кўплаб алоқачи-лар ҳам эътироф этишади. Ана шундай таҳрибали мутахассисга ёш алоқачиларни (бу ишга иштиёқи борларни) шоғирдикка бериш зарур. Келгусида электрон платаларни таъмирлайдиган кўплаб мутахассис-лар етишиб чиқса, улар мамлакатимиз иқтисоди ва алоқа соҳаси учун фақат фой-да келтирар эди. Ана шунда ҳам вақтдан, ҳам нақддан тежаларди.

Жорий йилнинг август ойида ўзининг 64 ёшини нишонлайдиган Валерий Николае-вич била деб ателган кичик салтанатда бах-ти тогган инсонлардан. Унинг жуфти ҳало-ли Галина Романова Саратовдаги консер-ваторияда тахсил олган. Гулистон шаҳри-даги мусиқа билим юртини очишда унинг хиссаси катта бўлди. Уларнинг фарзанди — Аркадий поштахизматда студиялардан би-рида овоз режиссери бўлиб ишлайди. Меҳ-нат фидойиси хизматида яраша кўплаб та-шаққурнома фахрий ўриқлар олган, мақ-товлар эшитган.

— Инсон учун бу муҳим эмас, — дейди Валерий Николаевич. — Энг муҳими, сенин-г одамларга кераклигинда. Сени унутмасан-бас. Шунинг ўзи катта бахт.

Уларнинг оиласига Греция ва Америка-дан, Москва, Одесса ва бошқа кўплаб ша-ҳарлардан шоғирдилар қўнғирок қилишади. Байрамлар билан табриклаб, ҳол-аҳвол сўраб туришади. Ана шу телефон чакриқ-лари гўё умр каровининг қўнғироклари син-гари "Сизлар одамларга кераклисизлар" дея-ётгандек бонг ураверади...

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ,
журналист

Суратда: В.Самсонов (ўндан биринчи) Сеулдаги ўқув марказида.

СИР ДАРЁЛИК САМСОНОВ



масидаги ишлар янада кўпайди. Станция-нинг абонент платасини инсон юрагига қиёслаш мумкин. Ана шу станция "юраги"-да носозлик пайдо бўлса, мижозлар теле-фон хизматидан фойдалана олишмайди. В.Самсонов абонент платаларидаги "ка-саллик" сабабини ўзи ихтиро қилган уску-наларда аниқлайди ва "давоялди". У "DTS-2000" русумли электрон станция пла-таларининг барча турларини таъмирлаш усулини ишлаб чиқди. Бу ўзига хос усул-ни бошқа фирмалар станциялари пла-таларида рўй берадиган носозликларни ба-ратараф этишда ҳам кўплаш мумкин.

Халқимизда "Устасига фарқи йўқ" де-ган нақл бор. Касбининг устасига айлан-ган В.Самсонов турли алоқа жиҳозлари, жумладан, радиорелели линияларнинг қабул қилувчи ва узатувчи ускуналари,

Катта бир жамоани шакллантириб, хо-димларнинг бошини қовуштириб бошқариш раҳбардан катта куч ва ирода талаб қила-ди. Валерий Николаевич мана шундай масъ-улиятни зиммасига олиб, астойдил тер тўкди. Ун икки йил давомида жамоага раҳ-барлик қилди. Шу корхонада ишлаб элга танилди. Саратовлик Самсоновдан сирда-рёлик Самсоновга айланди.

Мақоламиз қаҳрамонининг болалиқдан электроникага қизиқиши кучли эди. У ўзича калкулятор, телевизор каби техника воситаларига янгилик киритишга интилар-ди ва бу борада тинмай изланишлар олиб борарди.

Тақдир йўриғими ёки тасодиф туфайли-ми Валерий Николаевични 1994 йили "Сир-дарё Телеком" филиалига ишга таклиф этишди. Чунки унинг электроника соҳасига қизиқишини алоқачилар ҳам яхши билишар-ди. Шунингдек, вилоятга замонавий рақамли электрон АТСларнинг келтирилиши мўлжал-ланаётганлиги боис Самсоновдек мутахас-сисларга эҳтиёж катта эди.

У ишга қабул қилингандан кейин даст-лаб Тошкент электротехника алоқа институ-ти (ҳозирги ТАТУ)нинг малака ошириш кур-сларида ўқиди. Сўнгра 1994 йилнинг охири-да олган билим ва кўникмаларини янада та-комиллаштириш учун Сеулга — "ДЭУ Теле-ком" компаниясининг ўқув марказига юбо-рилди. Икки ойлик ўқиш давомида Валерий Николаевич "DTS-2000" русумидаги рақамли электрон АТСни ишлатишни, носозлик туғил-ганда техник хизмат қўрсатиш йўл-йўриқла-рини ўрганди. Машғулотлар якунида "ДЭУ Телеком" компаниясининг раҳбари унга элек-трон станцияларни таъмирлаш бўйича сер-тификат топширди.

Ўқиб-ўрганишдан асло чарчамайдиган қаҳрамонимиз Япониянинг NEC компания-си ўтказган илмий-техникавий анжуманда ҳам қатнашиб, компаниянинг мутахассис малакаси даражасини белгилайдиган сер-тификатини олди.

Сирдарё вилоятига Жанубий Кореянинг электрон станциялари келтириб ўрнатил-ганидан сўнг Валерий Николаевичнинг зим-

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

ХАР ТҮКИСДА БИР АЙБ!

Самарқанд вилоятида JBIC лойиҳаси бўйича 205 км. узунликдаги оптик-толали кабел алоқа линияси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.

Самарқанд — Жума — Каттакўрғон йўналиши бўйича 80 км.лик оптик-толали кабел трассаси ишга туширилди. Бунинг натижасида шу йўналишдаги шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси сифати кескин даражада ошди. Шунингдек, Самарқанд — Лош — Каттакўрғон — Оқтош йўналиши бўйича оптик-толали кабел трассасининг сўнги километрлари ётқизилмоқда. Вилоятнинг қолган туманларида ҳам бундай алоқа линияси қурилиши бўйича лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилда вилоятда амалга оширилган асосий янгиликлардан бири — Самарқанд шаҳрида SKYTEL компаниясининг CDM-450 стандартдаги мобил ва стационар тизимининг фойдаланишга топширилганлиги бўлди. Бундан ташқари, Ургут туманида тўртта электрон рақамли станциялар 5000 рақамга монтаж қилиниб ишга туширилди. Натижада Ургут — Самарқанд йўналиши бўйича ягона алоқа тизими йўлга қўйилди ҳамда мижозлар учун шаҳарлараро сўзлашувга код рақамисиз чиқиш имконияти яратилганлиги алоқа корхонаси даромадларининг ошишига олиб келди.

«Хар тўкисда бир айб!» деганларидек, юқоридаги ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам мавжуд.

Текширишларда Самарқанд шаҳри билан Нуробод туман марказини боғлаб турувчи симёғочлар орқали ўтган 100 км.дан ортиқ бўлган алоқа

хўжалик линияларининг баъзи жойлари номаълум шахслар томонидан ўғирланаётганлиги аниқланган. Каттакўрғон — Нуробод орқалигидаги К-60 қурилмаси РРЛ орқали ташкил этилган каналлар бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шаҳарлараро алоқа каналларининг етишмаслиги сабаб Нуробод шаҳри билан автоматик равишда боғланишнинг имконияти мавжуд эмас.

«Самарқанд Телеком» филиалининг Жомбой, Пахтачи, Нарпай, Нуробод ва Қўшработ туман телекоммуникациялар боғламаларининг марказий АТСларида 60 ва 24 вольтлик аккумуляторлар яроқсиз аҳволга келиб қолган. Самарқанд, Пайшанба, Пастдаргом телекоммуникациялар боғламаларининг марказий АТСларида эса алоқа каналларининг етишмаслиги оқибатида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сифат кўрсаткичлари пасайиб кетаётганлиги қайд этилган.

Барча туман телекоммуникациялар боғламаларида тақвим тамгалари (календар штемпеллари) Давлат тилига ўтказилмаганлигини, алоқа ва телекоммуникация соҳасига доир меъёрий ҳужжатлар етишмаслиги тўғрисида филиал раҳбарларига берилган хат ва кўрсатмалар бажарилмай келинаётганлигини эса қандай изоҳлаш мумкин?

Хуллас, «Самарқанд Телеком» филиали олдида амалга оширилиши зарур бўлган қатор вазифалар турибди. Бу камчиликларни ҳал этишда «Ўзбектелеком» АК томонидан ҳам амалий ёрдам кўрсатилади, деган умиддамиз!

Абдугофур ХОТАМОВ,
Самарқанд вилояти ДАИ бошлиғи

Меҳнат шунчалик улуг неъматки, соҳибига фақат рўзгор тебратиш имконини бермайди. Аксича, эл орасида иззат-иқром, обрў-эътибор топтиради. Айниқса, кексалик гаштини сураётганида сени собиқ жамоадошларинг йўқлаб турса, бундан ортиқ бахт йўқ.

ди. Фаолиятининг барори ҳам шунга яраша бўлди.

Сўнги ўн йилда телефон хизматидан доимий фойдаланувчи мижозлар сони бир ярим мингга кўпайди. Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув шаҳобчаларини очиб орқали 8та янги иш ўрни ташкил этилди. Ҳозир Бахтиёр Тўрақулов, Сино Бобониёзов каби ёшлар билдирилган катта ишонччи сидқидилдан оқлашмоқ-

Диққат, танлов!

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида рационализаторлар ва ихтирочиларнинг ижодий салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш, энг яхши рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини аниқлаш мақсадида танлов эълон қилинади.

Агентлик тизимидаги корхона, ташкилот ва акциядорлик компаниялари ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритувчи бошқа хўжалик субъектлари танловда қатнашишлари мумкин.

Танлов ташкилотчилари — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти (РЭА ИТЖ).

Ҳужжатлар 2004 йилнинг 1 ноябрига қадар куйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 28 а-уй. Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти.
Тел.: 138-41-76.

Танлов шартлари ҳақида РЭА ИТЖ сайти (www.nto.cc.uz) орқали маълумот олишингиз мумкин.


Барча хоҳловчиларни «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида энг яхши ихтирочилар ва рационализаторлик таклифи» танловиди иштирок этишга таклиф этамиз.

Ғолиблар Фахрий ёрлик ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

ALOQA OLAMIDA

УЯЛИ ТЕЛЕФОНДА КҮЁШ БАТАРЕЯСИ

Американинг **Suppower Systems** компанияси ўзига хос маҳсулот — уяли телефонлар учун қуёш батареяли аккумуляторлар ишлаб чиқаришни бошлади.



Янги Power Booster аккумуляторлари оддий тармоқ ёки автомобильлардаги зарядловчи қурилмалар сингари ишлатилиши мумкин. Бу аппарат, ўртача ҳисоблаганда, қуёшли шароитда ҳар соатда олган заряди яна қўшимча олти дақиқадан суҳбатлашга етишини аниқлатади.

Nokia, Motorola, Samsung ва Nextel телефон аппаратлари учун мўлжаллаб чиқарилаётган қуёш батареяларининг нархи — 40-60 АҚШ доллари атрофида.

УНИВЕРСАЛ ТЕЛЕФОН АППАРАТИ

Япониянинг йирик уяли алоқа операторларидан бири — **NTT DoCoMo** компанияси учинчи авлод уяли тармоқларида, шунингдек, локал (маҳаллий) тармоқда ҳам қўлланиладиган телефон аппаратлари (**N900i**) чиқаришни бошлаганини маълум қилди.

IEEE 802.11b

стандартдаги симсиз тармоқ мавжуд бинарларда бу телефонни интернет-телефония режимиде ҳам ишлатиш мумкин. Бу ҳолатда алоқа айнан локал тармоқ орқали амалга оширилади.

Ўз ходимларини N900i аппарати билан таъминлаган корхона ёки ташкилотлар бундан фақат ютиши аниқ. Чунки локал тармоқда ички телефон сўзлашувлари учун операторга тўлов тўланмайди. Улчамлари 102x48x27 мм, оғирлиги 120 граммга тенг ушбу аппаратнинг иккита рангли экрани, суратга олиш билан бирга кичик видеороликларни ёзиб олиш имконини берувчи иккита камераси бор. Аппаратнинг дастуридан Интернет веб-саҳифаларига киришда қўл келувчи браузерини ҳам алоҳида кўрсатиш мумкин. Янги маҳсулотнинг нархи ҳозирча ошқор қилинмаган.



АЙБСИЗ АЙБДОРМИ?

Ҳаёт — қизик. Баъзида емаган сомсангта ҳам пул тўлашга мажбур бўласан. Бундай воқеаларга дуч келиш мумкин.

Яқинда ҳибсага олинган америкалик собиқ бухгалтер Бобби Жин юқорида таъкидлаганимиз — муаммоли воқеалар гирдобиде қолган. Интернет-портал орқали ўзига янги иш топган бу аёл АҚШдаги eBay аукцион мижозларидан пул йиғиш ва маблагларини Лондонга жўнатиш билан шуғулланиб келган. Кейин аниқланишича, ҳеч нарсадан беҳабар Бобби Жин ўзи билмаган ҳолда ўғирланган пулларнинг чегарадан чиқиб кетишида воситачи бўлиб қолган. Гап шундаки, фирибгарлар аслида йўқ маҳсулотларни аукционларда пуллашган ва пул ўтказишда ўларидан из қолдирмаслик мақсадида бу аёлнинг манзилгоҳидан фойдаланиб келишган. Шунга қарамастан, Жинни айбдор деб ҳисоблаган полициячилар уни судга беришга қарор қилишди. Ҳамма нарсага аниқлик киритувчи суд августда бўлиб ўтади.

Интернет материаллари асосида **С.АҲАДОВ** тайёрлади

ЯХШИЛАРГА ЙЎЛДОШ БЎЛИБ

Ўрол Жумаев шундай ширин туйғулар билан Ўзун телекоммуникациялар боғламасига йўл оларкан, қувончини ҳамроҳи Маматқул ака билан баҳам кўрди.

— Биродар, давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилояти соҳасидаги сўзларини эшитдингизми?

— Ҳа эшитдим ҳам, «Халқ сўзи»ни олиб ўйиб чиқдим ҳам. — Балли, менга Президентимизнинг раҳбарга хос фазилатлар ҳақидаги гаплари жуда маъқул бўлди. Сиз нима дейсиз-у Маматқулбой, шу боғлама бошлиғи Зокир Бикметовдан кўпчиликнинг кўнгли тўқ.

— Бўлмаса-чи? Агар шундай бўлмаганда, у ўн йилдан бери узлуксиз раҳбарлик лавозимида ишлай олмас эди?

Улар гурунг билан собиқ ишончаларига етиб келишганини сезмай қолишди. Фахрийларини жамоа кутиб олди. Меҳр ва муруват йили муносабати билан ташкил этилган бир пиёла чой устидаги суҳбат барчада катта таассурот қолдирди. Собиқ ҳамкасблар кейинги йиллардаги ўзгаришлардан қониқиб ҳисол қилишди. Айниқса, фахрийлар жамоанинг барча байрамлар ва бошқа яхши кунларда йўқлаб турганидан миннатдор эканликларини чин дилдан билдиришди.

Бу мамнуликни аҳил жамоага битилган қасида дейиш мумкин. Бирок, уларни бир мақсад сари бирлаштиришда ҳам гап кўп. Зокиржон иш бошлаган 1994 йилнинг илк кунидан меҳнат кишини қадрини биладиган тўқинчи бирламчи вазифа деб били-

ди. Боғлама бевосита шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув шаҳобчалари хизмати тўғрисида ҳар ойда 2 млн. сўм қўшимча даромад олмақда. Жамоа аъзоларининг ўртача ойлик маоши 48 миңг сўмдан кам бўлмаяпти. Бу шубҳасиз, раҳбарнинг бетиним изланишлари ва сидқидилдан қиларётган хизматлари самарасидир.

Қадрларни танлаш масаласига ҳам раҳбаримиз қатъиятлик билан қарайди, — дейди биз билан суҳбатда боғлама ходимлар бўлими бошлиғи Аҳмаджон Саидов. — Шу боис ҳар томонлама соғлом жамоа вужудга келган. Биз бир-биримизнинг қувончли ва ташвишли кунларимизда доимо камарбастамиз.

... Зокиржон Бикметов иш кабинетини оstonасида бир зум тўхтаб, чал қанотдаги фахрийлар сурати қўйилган ҳўрмат тахтасига яна бир бор ҳавас ила боқди. Гўё Абдуғаффор Файзиёв, Холмат Худойбердиев каби фахрийлар «Яхшиларга йўлдош бўлиб, ғайрат билан ишлайверинг, ука», дея хитоб қилгандай туюлди. Бу орада хонага бош ҳисобчи Ҳусниддин кириб келди. Имзо қўйишдан олдин дастлабки олти ойлик иш якунларига диққат билан раҳм солди. Натижалар ёмон эмас. Жорий йилнинг биринчи ярми ҳам муваффақиятли якунланмоқда...

Нортожи ЗИЁЕВ,
жамоатчи мухбиримиз

За исторически короткий срок наша страна заняла достойное место в мировом сообществе. В настоящее время одним из приоритетных направлений работы в политическом плане является превращение в жизнь демократических преобразований и формирование основ гражданского общества. Эффективность же процессов построения гражданского общества и правового государства во многом определяется уровнем правовой культуры общества в целом и каждого человека в отдельности. Правовая культура – это не столько знание законов, сколько степень уважения к ним, понимание того, насколько они значимы в обществе. Правовая культура в гражданском обществе подразумевается, что каждый гражданин верит в силу закона, что с помощью закона обеспечиваются необходимые гарантии его прав и свобод.

Правовая просвещённость человека активизирует его жизненную позицию, сочетающуюся не только с потреблением демократических благ, но и с их созданием, участием в социальных преобразованиях. От того, насколько правовая культура развита в нашем обществе, напрямую зависит, насколько сознательным будет участие широких слоёв общества в процессах демократизации и с какой ответственностью каждый из нас будет выполнять свой долг перед Родиной и народом на пути осуществления реформ. В преддверии выборов Законодательной палаты Олий Мажлиса, формирования Сената и выборов представительных органов государственной власти нам всем необходимо помнить, что строительство открытого демократического государства осуществляется путем обогащения новым содержанием процесса демократизации всех сторон общественной жизни, создания эффективной системы управления страной и обществом, обеспечивающих необратимость демократических преобразований.

Важным событием на этом пути развития независимого Узбекистана стал состоявшийся 27 января 2002 года Всенародный Референдум. Его итоги определили основные направления и приоритеты работы высшего законодательного органа – парламента страны. Организация двухпалатного парламента обеспечивает укрепление национальной государственности, становится основой для успешного проведения демократических реформ, создаёт возможности для направления наших сил и потенциала на путь создания и обновления в интересах народа, ради его мирной жизни.

За годы независимости в нашей стране были созданы правовые предпосылки становления парламентаризма. Это правотворческая деятельность Олий Мажлиса, обсуждение народом законопроектов, проведение всенародного опроса, участие граждан в выборах депу-

ВЫБОРНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

татов в представительные органы государственной власти и Президента Республики. Идея реформирования высшего законодательного органа, совершенствования избирательной системы будут способствовать более чёткому функционированию всех структур государственной власти на основе верховенства Конституции и закона с учётом мнения различных слоёв населения. Создание двухпалатного Олий Мажлиса позволит перейти к профессиональному парламенту, принимающему законы, которые учитывают и отражают интересы всего общества.

В рамках реализации воли народа Олий Мажлис Республики принял Конституционный закон "О итогах референдума и основных принципах организации государственной власти", ставший основой для осуществления дальнейшего реформирования парламента. Конституционные законы "О законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан" и "О Сенате Олий Мажлиса Республики Узбекистан" стали следствием вехой на пути реализации воли граждан страны. Эти правовые документы определили порядок формирования обеих палат будущего парламента, их полномочия, порядок принятия законов и коренным образом обновили всю избирательную систему страны.

Логическим продолжением государственно-правового развития стало принятие парламентом закона "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан" и закона "О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народ-



ных депутатов" с учётом анализа избирательных систем развитых демократических стран. Эти законы содержат выдержавшие испытание временем определённые избирательные стандарты. Это прежде всего проведение выборов в условиях существующей многопартийности и участие в них всех политических сил и отдельных избирателей.

Закон "О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан" устанавливает, что Законодательная (нижняя) палата Олий Мажлиса состоит из ста двадцати депутатов, избираемых на многопартийной основе, по территориальным одномандатным избирательным округам сроком на пять лет. От каждого территориального округа избирается один депутат. Исходя из норм и принципов международного права об установлении ценза осёдлости, правом быть избранными в Законодательную палату обладают граждане, постоянно проживающие на территории Республики Узбекистан не менее пяти лет и достигшие ко дню выборов двадцати пяти лет.

Работа Законодательной палаты будет основана на профессиональной постоянной деятельности депутатов. Депутаты Законодательной палаты избираются на основе всеобщего, равного и прямого избирательного права при тайном голосовании. Подготовку и проведение выборов осуществляют избирательные комиссии открыто и гласно. Право избирать имеют граждане Республики Узбекистан, достигшие ко дню выборов восемнадцати лет.

Кандидатами для избрания в члены Сената также устанавливается ценз осёд-

лости. Ими могут быть депутаты Жокаргы Кенгеса Республики Каракалпакстан, представительного органа государственной власти вилоята, тумана, города, достигшие ко дню выборов двадцати пяти лет и постоянно проживающие на территории Узбекистана не менее 5 лет. Сенат (верхняя палата) является палатой территориального представительства. Члены Сената (сенаторы) избираются в равном количестве по шесть человек от Республики Каракалпакстан, вилоятах и города Ташкента путём тайного голосования на соответствующих совместных заседаниях депутатов Жокаргы Кенгеса Республики Каракалпакстан, представительных органов государственной власти вилоятах, туманов и городов из числа этих депутатов. Шестнадцать членов Сената назначаются Президентом Республики Узбекистан из числа наиболее авторитетных граждан с большим практическим опытом и особыми заслугами в области науки, искусства, литературы, производства и в других сферах государственной и общественной деятельности. Срок полномочий Сената – пять лет.

Проведение выборов в Олий Мажлис Республики Узбекистан и местные представительные органы государственной власти на основе законодательства, соответствующего требованиям действующих международных стандартов, станет качественно новым этапом в построении свободного гражданского общества и демократического правового государства.

Р.БИКМАМАНОВА,
старший преподаватель ТУИТ

ВНИМАНИЕ, КОНКУРС

В целях наиболее полного использования творческого потенциала рационализаторов и изобретателей в решении технических задач и эффективного производства в сфере связи и информатизации, выявления лучших рационализаторских предложений и изобретений объявлен конкурс на "Лучшее рационализаторское предложение и изобретение в отрасли связи и информатизации" среди акционерных компаний, предприятий, организаций и других хозяйствующих субъектов, осуществляющих деятельность в сфере связи и информатизации.

Организаторами конкурса являются Узбекское агентство связи и информатизации (УзАСИ) и Научно-техническое общество радиотехники, электроники и связи Узбекистана (НТО РЭС Узбекистана).

Материалы на конкурс принимаются до 1 ноября 2004г. По следующему адресу:

г.Ташкент, ул.Навои, 28 а.

Научно-техническое общество радиотехники, электроники и связи Узбекистана.

Тел: 138-41-76.

С условиями конкурса Вы можете ознакомиться на сайте НТО РЭС Узбекистана (www.nto.cc.uz).

Приглашаем всех желающих принять участие в конкурсе на «Лучшее рационализаторское предложение и изобретение в отрасли связи и информатизации».

Победители конкурса будут награждены денежными премиями и Почетными грамотами.

